


O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 31-YANVAR, PAYSHANBA, 13 (8094)-son

Bahosi kelishilgan narxda.



[УСАФФО.ЛИ]

устақиллик йилларида мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида мамлакатимиз хавфсизлигини, сархадларимиз дахлсизлигини таъминлашга, халқимизнинг тинч ва осойишта хаётини химоя қилишга қодир, ихчам ва профессионал миллий армиямиз шаклланди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий окрукка қарашли харбий қисмда эл-юрт тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида камарбаста, матонатли, фидойи ўглонлар хизмат қилади. Ўз зиммасидаги шарафли ва муқаддас бурчни теран англаган офицер ва сержантлар, аскарлар жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликлар орқали ҳарбий билим ва салоҳиятини тинмай ошириб боришга интиладилар.

СУРАТДА: капитан Аслиддин Хамроев рафикаси кичик сержант Умида Бойжонова ва қизи билан.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.







🥕 Қорақалпоғистон Республикаси

ГА БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Бугун юртимизнинг қай бурчагига борманг, овул ва маҳаллаларимиз, шаҳару қишлоқларимиз кун сайин чирой очиб бораётганига, замонавий уй-жойлар, махалла гузарлари, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш марказлари қурилаётганига, кўчаларимизни тўлдириб харакатланаётган автомашиналарга кўзингиз тушади. Хаётдан мамнун холда янги марралар сари интилаётган одамларга дуч келасиз. Жаннатмонанд юртимизнинг хар бир гўшасида, хар қадамда учрайдиган бу каби обод турмуш манзаралари кўнглимизни тогдек кўтариб, бизни бунёдкорликка, эзгулик ва шукроналикка чорлайди. Жахон иктисодиётида глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари хамон сақланиб қолаётганига қарамасдан мамлакатимизда ўтган 2012 йилда барча сохаларда жадал ўсиш суръатларига эришилди. Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузасида бу яна бир марта эътироф этилди. Мухбиримиз Амударё тумани хокими, иқтисод фанлари номзоди Ражаббой

— Юртбошимизнинг мазкур маърузасини тинглаб шундай хулосага келдикки, 2012 йил чиндан ҳам Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлди. Хусусан, бизнинг туманимизда ҳам улкан ютуқ ва натижаларга эришилди. Биргина аграр сохадаги муваффақиятларни тахлил этганимизда хам буни ёркин

кўрамиз. Дехконларимизнинг йил бўйи фидойилик билан қилган меҳнатлари натижасида пахта, ғалла, сабзавот, полиз хамда бошқа экинлардан мўл ҳосил олинди.

Эришилган ютуқлар омили,

аввало, заминимизнинг беминнат саховати, Президентимиз рахбарлигида аграр сохага қаратилаётган эътибор, соҳада амалга оширилаётган улкан ислохотлардир. Истиклолимизнинг дастлабки йилларида "Деҳқон бой бўлса - юрт бой бўлади" деган ҳаётий ҳақиқат асосида қабул қилинган энг тўгри ечим - ерни ўз эгасига топшириш, дехконнинг моддий манфаатдорлигини ошириш орқали юрт дастурхони тўкин-сочинлигига эришиш гояси бугун ўзини тўла оклади.

Истиклол шарофати билан юртимизда пайдо бўлган фермерлик ҳаракати бугунги кунга келиб қишлоқдаги ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормокда. Бугун фермерларимиз қишлоққа саноатни олиб кириш, кўп тармоқли хўжалик юритиш орқали тадбиркорлик ривожига хисса қўшиш каби иқтисодий масалалардан тортиб, қишлоқ ахолисининг бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, худудларни обод қилиш каби ижтимо-

ЙЎЛДОШЕВ билан ўтган йили туманда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари,

эришилган ютуқлар хамда келгусидаги устувор вазифалар хусусида сухбатлашди.

хам масъулият билан кириш моқдалар.

Пре зидентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини

ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги Фармонига асосан фермерлик харакатини янада такомиллаштириш, фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қишлоқни ободонлаштириш хамда ахоли турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ролини кучайтириш вазифалари белгилаб берилди.

Эндиликда жойлардаги Фермерлар кенгашлари фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, ерни хақиқий эгасига топшириш ва ундан самарали фойдаланишла жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш,

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир меъёрий-хукукий хужжатлар лойихаларини қабул

ий масалаларга Биз хокимни вилоят ёки туманнинг эгаси деймиз. Эга деган сүз үзбекчада жуда кенг ва чуқур маънони билдиради. Эга бўлиш аввало, хамма нарсага жавоб бериш, масъулиятни

> ўз зиммасига олиш демакдир. Ислом КАРИМОВ

> > қилиш билан боғлиқ ишларнинг бош ташаббускори бўладилар. Буларнинг барчаси фермерлик ҳаракатининг ва шу орқали аграр тармокнинг янада ривожланиб, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хиз-

мат қилади.

Якунланган 2012 йил Амударё тумани ахолиси учун хам баракали келди. Қишлоқ хўжалиги сохасидаги амалга оширилган ишлар натижасида 3573 қути ипак қуртидан 245 тоннага якин пилла етказиб бериб, давлат режасини ортиги билан бажардик. Ғаллакорларимиз ҳам давлатга ғалла сотиш бўйича шартномавий режаларини Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб бажариб, қабул масканига 4630 тоннадан ортик сифатли ғалла топширдилар.

Пахтакорларимиз эса юксак "оқ олтин" хирмони бунёд қилиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий режаларини ортиги билан бажардилар. Мавсум давомида 45 минг тоннадан ортиқ сифатли пахта хомашёсини топширган туманимиз фермерлари орасидан гектаридан 40 центнердан зиёд хосил олган 20 нафар фермерларимиз Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган автоуловларни сотиб олишлари учун имтиёзга эга бўлдилар.

Туманимиз дехконларининг бундай меҳнат зафарига асос бўлган мухим омиллар хақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимизда ер унумдорлигини оширишга қаратилган амалий ишлар хақида тўхталиш лозим. Биргина кейинги 5 йилни олади-

ган бўлсак, 2008-2012 йиллар давомида туманимиздаги 1218 ки-

лометр узунликдаги коллектор-дренаж тармокларининг қайта таъмирланиши, тикланиши ва ре-

конструкция қилиниши натижасида 30 минг гектардан ортик ерларнинг мелиоратив холати яхшиланди.

Қолаверса, кейинги йилларда уругчилик ва селекция масаласига катта эътибор қаратилиб, ҳар қайси ҳудуд учун қулай бўлган эртапишар ва касалликларга чидамли навларнинг етказиб берилиши, махсулот етиштиришда замонавий илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, жойлардаги инфратузилмалар — муқобил машина трактор парклари, ёнилғи мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш шохобчалари, сув истеъмолчилари уюшмалари, биолабораториялар хамда тижорат банкларининг фермер хўжаликларига сифатли хизмат кўрсатишига эришилаётир

Халкимизла "Иш куроли сознинг машаққати оз бўлади", деган нақл бор. Хақиқатан ҳам, юқори унумли техника ва агрегатлардан фойдаланмай туриб, қишлоқ хўжалигида яхши самарадорликка эришиш мумкин эмас. Бу борада мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникаларини фермерларга лизинг асосида бериш тизими йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Кейинги 3 йилда туманимиз фермерлари 18 дона юкори унумли ҳайдов трактори, 109 дона чопик ва 1 дона юк ташиш трактори, 18 дона дон ўриш комбайни ва бошқа кўплаб техника хамда агрегатларни лизинг ва кредит асосида олдилар. Натижада ушбу техникалар ёрдамида агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш орқали хосилгахосил қўшилмоқда.

Энг қувонарлиси, бугунги фермер нафақат махсулот етиштирувчи дехкон, балки уни қайта ишловчи саноатчи, ўз хўжалигида қўшимча хизмат турларини йўлга қўйиб, даромадини оширувчи тадбиркор, қишлоқ ахолисига иш бериб, ўзи билан бирга унинг ҳам рўзгорини бут қилувчи мулкдорга айланди.

Амударёлик фермерлар пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари мева-сабзавот ва полиз экинларини етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликдан тортиб, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш каби кўплаб сохалар билан шуғулланиб, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшмоқдалар. Ҳар бир ютуғини юрт номи билан боғлайдиган, ўз тараққиётини Ватан тараққиёти деб биладиган ана шундай заҳматкаш фермерларимиз, бободехконларимизга доимо омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз. Улар бор экан, эркин ва обод Ватанимиз гуллаб-яшнайди, халқимиз фаровон яшайди, турмушимиз янада обод бўлади.

> "Qishloq hayoti" мухбири Давуд АБИБУЛЛАЕВ сухбатлашди.



Фарғона шахридаги "Ўзсаламан" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг сифатли пойабзаллари истеъмол бозорида харидоргир.

Махаллийлаштириш дастури асосида йигирмага якин турда пойабзал ишлаб чиқарилаётган корхона махсулотларига талаб тобора ортиб бормокда. Сабаби, улар — сифатли ва бежирим, рақобатбардош ва нисбатан арзон.

СУРАТДА: ишчи Хамрохон Умарова ва мутахассис Элёр Мамадалиев. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат. 🥦 Жиззах Вилояти

ЙИҚИЛГАНДА СУЯНГАЛИ МАДАД КЕРАКДИР ИНСОНГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори халқимиз томонидан юртимизда инсон азиз ва мукаррамлигининг яна бир ифодаси сифатида қабул қилинди. Бу кўплаб қишлоқ ва махалла фукаролар йигинлари, хукук-тартибот идоралари ва мехнат жамоаларида ўтказилаётган турли тадбир ва йиғилишларда эътироф этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Мирзачўл тумани прокуратураси ва ички ишлар бўлими хамкорлигида ташкил этилди.

Унда иштирок этганлар Ватанимиз мустақиллиги туфайли халқимиз эркин мехнат қилиб, бахтли-фаровон турмуш кечираётгани, инсонлар ўртасида тенглик ва тотувлик, юртимизда тинчлик ва осойишталик тобора мустахкамланиб бораётгани ҳақида гапиришди.

Тадбирда тумандаги амнистия шарофати билан 15 нафар жазодан озод этилганлар иштирок этишган бўлса, 12 нафар фукаронинг жазо муддатлари қисқартирилганлиги таъкидланди.

- Қилган жиноятим учун муносиб жазога тортилган эдим. — дейди Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғини худудида яшовчи Шавкат Оролов. — Шундай бўлса-да, айбимни кечириб, ҳаётда ўз ўрнимни топишим учун ёрдам бераётган давлатимиздан, хол сўраб турган хуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан миннатдорман. Уларнинг кўмаклари билан илгариги механизаторлик касбимга ишга жойлашдим. Бу илтифотлар жамиятимизда эътибордан четда қолган киши йўклигини қўрсатиб турибди.

- Жазодан озод этилганлар бундан кейин хам эътибордан четда колмайди, - дейди туман прокурори ёрдамчиси Отабек Бойбеков. - Туман тиббиёт бирлашмаси ва ҚВП шифокорлари уларнинг саломатликларини назорат қилиб боришади, тегишли ёрдамларини аяшмайди. Мухими, авф этилганларнинг ўз хатосини тушуниб, кўпчилик қатори халол яшаш йўлини тутиб кетишларида.

Тозагул АЛЛАНАЗАРОВА

Самарқанд Вилояти

MAKEAAA ABAK, FYPYPA 5AAABA 5APKAMOA ABAOA

МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛАЛАР СПОРТИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШТИРИБ ЧИКАРИШ, ШОДА-ШОДА МЕДАЛЛАР ЭМАС, БАЛКИ СПОРТНИ ОШНО БИЛГАН, УНДАН ХАЁТНИНГ САБОКЛАРИДАН, ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИДАН ЎТИШДА ҚУВВАТ ОЛА БИЛАДИГАН, МАҚСАДИ, ЭРКИ, ҒУРУРИ ВА ВАТАНИНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАЙ ОЛАДИГАН ИРОДАЛИ, ХАМ ЖИСМОНАН, ХАМ МАЪНАН БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДИР

Узоқни кўзлаб иш тутиш, фарзандини ўзидан кўра бахтли ва фаровон хаёт кечириши, камоли учун қайғуриш каби хислатлар халқимизнинг қониқонига сингиб кеттан. Юртбошимиз рахнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган саъй-харакатлар замирида хам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам. Буни мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, янги спорт иншоотларини барпо этиш мисолида хам яққол кўриш мумкин.

- Болалар спортини ривожлантириш борасида вилоятимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмокда, - дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилояти филиали рахбари Фурқат Хожиев. - 2003-2012 йиллар давомида жамғарма маблағлари хисобидан 24 та замонавий спорт мажмуаси ва 17 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қад ростлади. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларида юзга якин спорт заллари курилди ва 25 тадан ортик спорт иншоотида капитал таъмирлаш хамда реконструкция ишлари амалга оширилди. Биргина 2012 йилда жамғарма томонидан вилоятнинг турли худудларида олтита мусика ва санъат мактаблари хамда умумтаълим мактабларида еттита спорт зали барпо этилди. Каттақўрғон шахрида замонавий сузиш ҳавзаси бунёд этилди. Жомбой, Иштихон ва вилоятнинг энг чекка худуди хисобланган Қўшработ туманидаги спорт иншоотлари бугунги кун талаблари даражасида реконструкция қилинди. Ушбу бунёдкорлик юмушлари учун жамғарма хисобидан 16 миллиард 300 миллион сўм маблаг сарфланди.

Жамғарма томонидан нафақат янги барпо этилган спорт мажмуаларини жиҳозлаш, балки ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда вилоятдаги спорт федерацияларига ҳам зарур спорт анжомлари етказиб берилмоқда.



Жумладан, Пастдарғом туманидаги Галатут, Пахтачи туманидаги Зиёвуддин ва Жомбой туманидаги Каттақишлоқ маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудида тегишли дастур асосида болалар спорт майдончалари ташкил қилиниб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Қисқача айтганда, вилоятда шу пайттача қуриб фойдаланишга топширилган спорт иншоотларига жамғарма томонидан бир миллиард 703 миллион сумлик қушимча спорт анжомлари ва ускуналари етказиб берилди.

Вилоятдаги шахар ва туманлардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт мажмуалари ва умумтаълим мактабларида кизлар учун махсус кўшимча спорт тўгараклари фаолияти йўлга кўйилган. Хотин-киз мураббийларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун вилоятдаги олий ўкув юртлари, спорт йўналишидаги коллежлар ва олимпия захиралари тайёрлаш марказларида махсус курслар ташкил килинди.

Айни пайтда вилоятнинг хар бир шахар ва туманида бадиий гимнастика марказлари ташкил этилган. Бу марказлар жамғарма томонидан барча зарурий спорт анжомлари билан таъминлангани боис, кизларимиз бемалол бадиий гимнастиканинг ўзларига ёккан йўналиши бўйича шуғулланишлари мумкин. Жумладан, 2012 йилнинг ўзида жамғарма томонидан ушбу марказларга 85 миллион сўмликдан зиёдрок гимнастика гиламлари ва зарур спорт жихозлари етказиб берилди. Бир юз қирқ нафардан зиёд мураббий хамда бадиий гимнастикачи ўкувчи кизларга 30 миллион сўмлик спорт кийимлари тарқатилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар ва яратилаётган шароитлар натижасида спорт билан шуғулланаётган ўқувчи қизлар сони йил сайин ортмокда.

Бугунги кунда вилоят халқ таълими тизими муассасаларида таълим олаёт-ган 246 минг нафардан зиёдроқ қизларнинг 112 минг нафардан ортиги

спорт билан мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда. Табиийки, қизларнинг турли спорт мусобақаларида қўлга киритаётган ютуқлари хам салмоқли бўлмокда. Мисол учун ўтган йили жамғарма томонидан ўкувчилар ўртасида ўтказилаган турли мусобақаларда беш юз нафардан зиёдроқ қизлар иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлди. Ушбу қизларнинг ярмидан кўпроги қишлоқ мактаблари ўқувчиси эканлиги сарфланаётган маблаг ва эътибор ўзини оклаётганидан далолатдир.

Болалар спортини ривожлантириш ва оммалаштириш борасидаги эзгу ишлар жорий йилда янада кенг кўлам касб этмокда. Шу йилнинг охиригача вилоят бўйича бешта мусика ва санъат мактаби, еттита спорт зали ва битта замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилиши, шунингдек, иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби капитал реконструкция килиниши кўзда тутилаётир.

- Биз кекса авлод хозирги яратилаётган шароитларни хатто орзу хам қила олмаганмиз, – дейди "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси Хасан Нормуродов. -Бугун энг чекка қишлоқларда ҳам барпо этилган мухташам спорт иншоотлари ва уларда шуғулланаётган болаларни кўриб, ҳавасимиз келади. Фарзандларимиз биздан бахтли ва фаровон яшаётгани учун шукрона айтаман. Президентимиз таъкидлаганидек, болалар спортига қаратилаётган эътибордан бош мақсад чемпионлар етиштириб чиқариш, шода-шода медаллар эмас, балки спортни ошно билган, ундан хаётнинг сабокларидан, қийинчиликларидан ўтишда қувват ола биладиган, мақсади, эрки, ғурури ва Ватанини кўз қорачиғидек асрай оладиган иродали, хам жисмонан, хам маънан баркамол инсонларни тарбиялашдир.

Акбар КАРШИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР УЛКАН ЮТУКЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Навоий вилоятида кейинги ўн йил мобайнида 69 та спорт иншооти барпо этилди. Айникса, ўтган 2012 йил бу жабҳада улкан бунёдкорлик ишлари ва янгиланишларга бой бўлди. "Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақаларининг республика финал баҳсларига мезбонлик қилган вилоят маркази ҳақиқий "Олимпиада шаҳарчаси"га айланди. 14 гектар майдонда муҳташам "Ёшлар спорт мажмуаси", бадиий ва спорт гимнастика заллари, ўн минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион барпо этилди. Чекка туманларнинг ўзида олтита спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хатирчи, Конимех, Навбаҳор туманларида спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, бадиий гимнастика, кураш турларига ихтисослашган заллар, сузиш ҳавзалари бунёд этилди.

 Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўгрисида"ги хамда 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги Фармонларининг қабул қилиниши юртимизнинг барча худудларида бўлгани сингари Навоийда ҳам спорт сохасида ижобий ўзгаришлар сари йўл очди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Навоий вилояти филиали рахбари Алишер Фозилов. — Натижада жойларда кўплаб спорт мажмуалари қад ростлади, улар

энг замонавий спорт инвентарлари билан жихозланди. Болалар спортига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасини нафақат шахарларда ёки туманлар марказларида, балки энг чекка қишлоқ хамда овулларда ҳам барпо этилаётган спорт масканлари мисолида кўриш мумкин.

Масалан, Конимех туманидаги Янгигазгон овулида кўркам спорт маскани бунёд этилди. Бу эса овулдаги 5-умумтаълим мактаби ўкувчиларининг спортга бўлган ҳавас ва қизикишларини ошириб, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишлари учун кенг имконият яратди.

— Болалар буш вақт топил-

ди дегунча, шинам спорт залига ошиқади, — дейди мактаб директори Ибо Наризова. - Илгари ўқувчилар мактаб ҳовлисидаги стадионда, фақат қулай об-хаводагина спорт билан шуғулланишар эди. Энди эса энг замонавий спорт анжомлари билан жихозланган спорт иншооти улар хизматида. Бу ерда бадиий гимнастика тўгараги ташкил этилиши ўқувчи қизларимиз учун айни муддао бўлди. Уйлайманки, спортнинг бу турига мехр қуйган қизларимиз ҳадемай нуфузли мусобақалар иштирокчиларига айланишади. - Вилоятимиздан Ульяна Трофимованинг халқаро мусобақалардаги иштирокини кўриб, бадиий гимнастикага бўлган



иштиёким янада ортди. Мактабимизда барпо этилган янги спорт зали орзуларим ушалишида мен учун катта имкониятдир, — дейди мазкур мактаб 4-синф ўкувчиси Назирке Туребаева. — Ўқишдан бўш вақтларимда гимнастика машгулотлари билан шуғулланаман. Барча машқларни пухта ўзлаштиришимизда мураббийларимиз ўгитларини аяшмаяпти. Залда энг замонавий спорт анжомларининг мужассамлиги машеулотларимизнинг янада самарали бўлишида мухим ахамият касб этмоқда.

Айтиш керакки, замонавий спорт объектлари бунёд этилаётган манзилларда ёшларнинг вакти бехуда сарфланма-

япти. Хар бир бола ўзи севган спорт тури билан машғул. Ёшларимиз ўзларига билдирилган ишонч, яратилган юксак имкониятларни сидқидилдан ҳис этишмоқда.

Жорий йилда ҳам замонавий спорт иншоотларини бунёд этиш ишлари изчил давом эттирилади. Жумладан, Томди, Нурота, Хатирчи, Учкудук, туманларидаги тўртта умумтаълим мактабида спорт заллари ва учта туманда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари янгидан барпо этилиши, мавжудларида реконструкция ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Абдурасул САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хорижий ва миллий тажрибани чукур тахлил этиб, 2013 йилнинг 1 февралидан бошлаб республика ахолисига чет эл валютасини сотишнинг такомиллаштирилган тартиби жорий қилинаётганини хабар қилади.

Ушбу тартиб халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган, шунингдек, мамлакатимизда хам ўз ижобий жихатларини кўрсатган жисмоний шахсларга чет эл валютасини халқаро тўлов карточкасидан фойдаланган холда накд пулсиз шаклда сотиш усулини кўллашни кенгайтиришни назарда тутади.

Узбекистонда бундай операциялар 1994 йилдан буён амалга ошириб келинмокда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг йигирмадан ортик ваколатли тижорат банки томонидан халқаро тўлов карточкалари муомалага чиқарилмоқда ҳамда улардан 233 мингдан ортиқ жисмоний шахслар кенг фойдаланмокда.

Ўзбекистондаги барча тижорат банклари "VISA International", "MasterCard" ва бошқа нуфузли халқаро тўлов тизимларининг тўлақонли аъзоси хисобланиб, улар реал вақт режимидаги банклараро тўловларни амалга ошириш имконини берувчи "СВИФТ" халқаро тизимига уланган.

Халқаро тўлов карточкасидан фойдаланиш дунёнинг исталган мамлакатида товарлар ва хизматлар үчүн хисоб-китобларни ўша давлатда муомалада бўлган валютада амалга ошириш бўйича ўз эгасига унинг банк хисобварагидаги маблагларни тасарруф этиш имкониятини яратиши билан анча устунликка эга эканлигини кўрсатмоқда. Бунда мазкур ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши нуфузли, умумэътироф этилган халкаро тўлов марказлари томонидан кафолатланган.

Шу билан бирга, халқаро тўлов карточкаларидан фойдаланиш, нақд валютадан фойдаланишдан фаркли равишда, маблагларнинг хавфсизлиги ва сакланишини кафолатлайди. Хусусан, тўлов карточкаси йўқолган тақдирда ҳам маблағлар банк хисобварағида сақланаверади хамда ундан фақат эгасининг ўзи фойдаланиши мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, валюта айирбошлаш жараёнини

янада соддалаштириш мақсадида, 2013 йилнинг 1 февралидан бошлаб ваколатли банклар томонидан Узбекистон Республикаси резиденти бўлган барча жисмоний шахсларга чет эл валютасини накдсиз шаклда, уларнинг шахсий банк пластик карточкасидаги миллий валютани чет эл валютасидаги халқаро тўлов карточкасига ўтказиб бериш йўли билан сотиш механизмини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Чет эл валютасининг жисмоний шахсларга накд пулсиз шаклда сотилиши билан боғлиқ барча операциялар ваколатли банкларнинг вилоят, шахар ва туман филиалларида очилган ҳамда аҳолига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш бўйича барча зарур техник ускуналар билан таъминланган махсус конверсион операциялар бўлимлари оркали амалга оширилади.


Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш учун ваколатли банкларнинг конверсион операциялар бўлимига фақат қуйидаги хужжатларни такдим этишла-

- шахсини тасдиқловчи хужжат (паспорт, яшаш гувохномаси хамда Ўзбекистон Республикаси харбий хизматчилари учун ҳарбий билет); - чет эл валютасини сотиб олиш

учун белгиланган шаклдаги ариза; - валюта айирбошлаш операциясини амалга ошириш учун банк хисобида етарли микдордаги миллий валюта мавжуд бўлган шах-

сий банк пластик карточкаси.

Кўшимча маълумотлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига куйидаги "Ишонч телефонлари" орқали мурожаат этиш мумкин: (8 800) 200-00-44, (8 371) 212-60-18.



Банкнинг масъул ходимлари тез ва киска муддатда ариза берувчижисмоний шахснинг хорижда барча хисоб-китобларни чекланмаган холда амалга ошириш имконини берувчи халқаро тўлов карточкасига чет эл валютасини ўтказиб бериш орқали валюта айирбошлаш операциясини амалга оширишга мажбур.

Мамлакатимиз ахолиси ва чет эл фукароларидан чет эл валютасини сотиб олишнинг амалдаги тартиби ўзгармасдан қолади. Яъни, ваколатли банклар ахолига қулайлик яратиш мақсадида ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида, аэропортларда, темир йўл вокзаллари, мехмонхоналар, божхона постларида хамда бошқа жамоат жойларидаги айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини чекланмаган микдорда сотиб оладилар.

2013 йилнинг 1 февралидан жорий этилаётган чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш тартиби факат жисмоний шахслар томонидан амалга оширилаётган валюта айирбошлаш операцияларига татбик этилиб, юридик шахслар учун жорий халқаро операцияларни амалга оширишда чет эл валютасини сотиб олишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади

🌽 Қашқадарё Вилояти

Махалламизда тадбиркор ва ишбилармонлар кўп. Хунармандчилик хам яхши ривожланган. Хусусан, тадбиркор Назира Ёмғирчиева бу борада кўпчиликка ўрнак бўляпти. У 30 нафардан ортик хотин-кизга каштачилик сирларини ўргатмокда.

РАВОКНИНГ БИЗНЕСЧИ ОИЛАЛАРИ

Айни пайтда Лобар Бахромова, Азиза Жўраева, Гулноза Мўминова, Зарнигор Абдуллаева, Дилафрўз Қувватовалар тайёрлаган махсулотлар жуда харидоргир. Сора Қодирова, Сайёра Бўриева, Шахноза Мустафоқуловалар ҳам Назира Ёмғирчиевадан асло қолишмайдиган ўз касбининг усталари. Айни пайтда уларнинг ташаббуси билан кўплаб ёшлар ишли бўлишяпти. Кўплаб янги иш ўринлари яратиляпти.

Худудимиздаги 2 та бозор махалламизда истикомат қилаётган 2 мингдан ортиқ ақолига қатор қулайликлар яратяпти. 7 та тиббиёт муассасаси, дорихоналар, таълим масканлари ҳамда "Қашқадарё соҳили" сихатгохи ахоли хизматида.



Утган йили махалла илорасининг биноси таъмирдан чиқарилди. Атрофига манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазилди. Маънавият ва маърифат, хотинқизлар билан ишлаш, диний маслаҳатчилар хоналари компьютер билан жиҳозланди. 5,5 километр йўл таъмирланиб, кенг ва равон холатга келтирилди.

Президентимиз томонидан 2013 йил "Обод турмуш йили" деб эълон қилинди. Юртбошимиз айтганларидек, ҳаётимизни обод қилиш учун, аввало, маҳаллани обод қилиш керак. Бунга ахолининг фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сохаларини янада кенгайтириш орқали эришилади. Яқинда маҳалламизда қандолатчилик цехи иш бошлади. Натижада 15 нафар ёш йигит-қиз ишли бўлди. Шунингдек, жорий йилда новвойхона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахоналари, озиқ-овқат ва гўшт дўконлари қуришни режалаштиряпмиз. Бу жараёнда ҳам тадбиркорларнинг шижоатига, мададига суянамиз.

Самад АБДУЛЛАЕВ, **Карши шахридаги Равок махалла** фукаролар йигини раиси.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ: ТАХЛИЛ

Огоханк хам ободанк омили

Йўловчи бир манзилга етиб, довон ошганда ортга бокиб, босиб ўтилган манзилни сархисоб этади. Сохалар учун хам шундай тахлил зарур. Ўтган йилда қандай натижаларга эришилди? Кўзланган мақсад амалга оширилдими? Ушбу саволлар жавоби изланганда ўз-ўзидан галдаги вазифалар келиб чикади.

Анвар ХУДОЙКУЛОВ,

Узбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ катта муҳандиси, майор.

Қилаётган ишимиз, бунёдкорлик амалларимизни янада мустахкамлаш да хавфсизликни таъминлаш, хусусан, ёнғиннинг олдини олиш ҳам муҳим ахамият касб этади. Зеро, олов - тилсиз ёв, деймиз. Унинг оқибатларини, ўт балосининг келтириб чиқарадиган зарарларини барчамиз яхши биламиз.

Таҳлилимизни ўтган йилда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бу борада амалга оширилган ишларга қаратдик. Маълумки, бу вазифани бажариш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг вилоятлардаги бошқарма ҳамда бўлинмалари жамоалари зиммасига юклатилган. Хизмат самарадорлигини ошириш учун эса мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилган.

Утган йили ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу жараён-

да ёнгин ўчоқлари бўлган жойлар, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятлар ўрганилди. Ахоли яшаш жойлари, маҳаллалар, таълим муассасаларида ёнгин хавфсизлиги хоцимлари учрашувлар утказию оорди. Шунингдек, ёнгинни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири бўлган - табиий газни хонадонларга ўзбошимчалик билан улаб олиш, газ ускуналаридан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, маиший газ қурилмаларидан нотўгри фойдаланиш қолатларини аниқлаш мақсадида бир қатор текширув-рейдлар ўтказилди. Ушбу рейдлар давомида 28036 та корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликлар ўрганилди ва 3 миллион 666 минг 262 дан ортиқ ахоли турар-жойлари, 33183 та кўп қаватли уйлар ва бошқа масканларнинг ёнғинга қарши қолати текшириб чиқилди.

Текширувлар ва ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан тааллуқли идоралар билан ҳамкорликда йиғилишлар ўтказилиб, уларда 24607 нафар рахбар, ишчи-хизматчилар ва фуқаролар мухокама қилиниб, тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган ёхуд Ёнгин назорати органларининг ёзма кўрсатмаларини бажармаётган 10137 нафар рахбар, жавобгар шахслар ва фукаролар 440 миллион 947 минг 78 сўм миқдорида маъмурий жавобгарликка тортилди. Зудлик билан бартараф этилмаслиги ёнгин содир бўлишига олиб келиши мумкин булган 3201 та бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 28496 та электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Президентимизнинг 2012 йил 20 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2012/2013 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўгрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига биноан 2012 йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар мамлакатимиз миқёсида "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" тадбири ўтказилди.

Умуман олганда, тахлиллар шуни кўрсатмокдаки, амалга оширилган тадбирларга қарамай 2012 йил давомида кўплаб ёнгинлар кузатилди. Мамлакатимиз бўйича содир бўлган ёнгинларнинг 75,6 фоизи ахоли турар-жойларига тўгри келмокда. Уларнинг асосий сабабларидан бири - оловдан эхтиётсизлик билан фойдаланишдир. Мана шу омил оқибатида 35,7 фоиз, электр жиҳозларининг носозлиги туфайли 28,6 фоиз, иситиш печларидан нотўгри фойдаланиш ёки уларнинг носозлиги сабаб 22,3 фоиз ва болаларнинг олов билан ўйнашлари сабаб 8.9 фоиз ёнгин содир бўлган.

Келтирилган маълумотлар ва мисол лар жойларда нафақат иқтисодий тизимда, балки ахоли турар-жойларида ҳам газдан фойдаланишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатса, ахоли орасида носоз техник воситалардан фойдаланиш холатлари хамон учраб турганини кўрсатади.

Жорий йил мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб номланди. Обод деганда кўз олдимизга шундай манзара келади: тинчлик ва осайишталик, гўзаллик ва орасталик, ахиллик ва файзу барака хукмрон манзил. Хар биримизнинг кўнглимизда бунёдкорлик ишларини янада кенгайтириш нияти жуш урмокда. Шу ўринда унутмаслигимиз лозимки, ободликни таъминлашда огохлигимиз ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ёнғинни олиш - ободликни таъминлаш билан баробардир.

TAOMHH KAHAAÏ HAHUA! Marijoranan marbugy

Рўзгорда таом тайёрлаш ва уни истеъмол килишда турли идишлардан фойдаланамиз. Жумладан, ёгоч, елим, тунука, мис ва хоказо. Таомнинг мазаси тайёрланаётган идиш турига богликлигини кўпчилигимиз яхши биламиз. Отабооларимиз ўзлари фойдаланаётган идиштовокларнинг фойдали хусусиятлари хакида хам жуда яхши билишган. Умуман беморларга ёки соглом одамларга тайёрланаётган доривор ичимлик ва овкатларнинг фойдалилиги кандай идишда тайёрланаётганлиги хам мухим идишда тайёрланаётганлиги хам мухим ахамиятга эга. Ошхона анжомлари бўлган идиштовокларни кандай танлаш лозим?



Алюмин идишлар зарарми?

Биз ҳозиргача алюмин идишлардан фойдаланамиз. Энди эса булар согликқа зарарлиги таъкидланмокда. Нима учун? Аниқланишича, алюмин идишларда нордон ва ўткир таомлар тайёрланса ва сақланса, ундан зарарли моддалар ажралиб чиқади. Оз миқдордаги кислота ҳам иситилганда алюминни бузади. Шунинг учун бундай идишларда ҳеч қачон озиқ-овқат сақлаб бўлмайди.

Текширувларга кўра, металл идиш инсон ҳаёти учун ўта хавфли экан. Биринчидан, кам микдорда ошқозон-ичак тизимига тушиб, йиллар давомида йигилиб, жигар ва буйракларни ишдан чиқаради. Иккинчидан, бундай қутидаги зарарли консервант одамнинг гормонал тизимига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, идиш оғзида кўп кир тўпланиб, ичимлик билан бирга одам оғзига тушади.

Алюмин идишлар қулай – синмайди, пиширилган овқат тагига олмайди. Аммо алюминда сутли таомлар, масалан, ширгуруч тайёрланганда алюмин оз микдорда бўлса ҳам таом таркибига ўтиб қолади. Гап шундаки, сут қайнаётганда металл билан ишқор реакцияга киришади ва овқат металл билан "туйинади". Шунингдек, алюмин идишларда сабзавот қайнатиш ҳам тавсия этилмайди. Олимларнинг фикрича, ишқорланган сувдаги алюминий бир қатор хасталикни келтириб чиқаради.



ЁГОЧ ИДИШ-ТОВОКЛАРНИНГ ФОЙДАСИ КАТТА

Ёгоч идишлар асосан ўрик, заранг, ёнгок, чинор, жўка, тут дарахтларидан тайёрланади. Момоларимизнинг айтишларича, уларда сақланган озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ вақт фойдали хусусиятларини йўқотмайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёгочда ошловчи моддалар кўп бўлиб, микроблар кўпайишига йўл кўймайди. Шу туфайли унда сакланган махсулот тез айнимайди, балки инсон учун кўпгина фойдали витаминлар билан бойийди. Яъни ёгочдаги шифобахш кувват егулик оркали инсонга ўтади. Жумладан, тол товокда ош, шилпилдок ёки бошка таомлар ейилса, ундаги бироз тахир лекин ёкимли таъм овкатга ўтиб одам иштахасининг очишига ёрдам беради. Ўрик ва ёнгок дарахтларидан ишланган идишлар хам жуда фойдалидир.

Мева ёки доривор гиёх ёгоч қошиқдан фойдаланилган холда эзилса, витаминлар парчаланмайди, асосийси, зарарли ишқорланиш юз бермайди. Хўл меваларни эса дарахт новдаларидан тўқилган саватда сақлаш мақсадга мувофиқ. Хали қошиқлар унча урф бўлмаган пайтларда боболаримиз таомни қўлда истеъмол

қилишган. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос афзаллик жиҳатлари кўп. Бармоқларимиз учларида жуда кўп нерв тугунлари жойлашган бўлиб, улар овқатнинг қанчалик иссиқ ёки совуқлигидан миямизга маълумот жўнатиб, овқатни тановул қилишга организмимизни тайёрлайди.

Хатто янги туғилган чақалоқларни чўмилтиришда ҳам ёгоч чўмичлар фойдалидир. Агар у жўка дарахтидан ишланган бўлса, яна ҳам яхши. Чунки дарахт ёгочи барча фойдали хусусиятларини сувга чиқаради. Бу эса гўдак организми учун кони фойда. Хозирда ҳам отабоболаримиздан мерос бўлиб келаётган ёгоч идишларда доривор гиёхларни майдалаш, толқон қилиш, сумалакнинг буғдойини эзиш учун қўлаки, ёгоч ўгир (келичаклар), қатиқнинг сариёгини ажратиб олиш учун ёгоч кувилардан фойдаланишади.



Ошхона анжомларига сифатли, зангламайдиган пўлат, сирланган идишлар, иссиқ сакловчи шиша ва чинни идишлар, чўян идишлар ва ёгоч идишлардан (тол, ўрик, тут ва ёнгокдан ишланган қошиқ ва коса – товоқлардан) фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Зангламайдиган пўлат: сўнгги пайтларда бундай идишлар кенг урфга айланди. Улар бутунлай хавфсиз бўлиб, овкат тайёрлашда ўзидан хеч кандай захарли моддалар ажратмайди. Лекин идишлар никелланган бўлгани учун аллергияни чакириши мумкин. Шунинг учун идиш сотиб олишдан аввал оилангизда хеч ким аллергия билан хасталанмаганлигини эътиборга олинг!

Сирланган идишлар: овқат тайёрлаш, озиқ-овқат махсулотларини сақлаш учун ҳам жуда қулай, айниқса, тузламалар яхши сақланади. Ягона камчиллиги шундаки, сирланган идишнинг нозик қопламаси бехосдан урилганда тезда қучиб кетиши мумкин.

Иссиқ сақловчи шиша ва чинни идишлар: бундай идишлар овқат тайёрлашда бутунлай хавфсиздир. Хар бир бека ошхонасида шундай идишлар бўлишини хохлайди. Афсуски, сифатли шиша ва чинни идишларнинг нархи арзон бўлмайди. Агар бу идишларнинг металл қисми бўлмаса, бемалол микротўлқинли печларда овқат тайёрлаш учун ишлатиш мумкин.

Чўян идишлар: чўян идишларда димланган таомлар тайёрлаш мақсадга мувофик. Бу идишларда тайёрланган овкатлар тагига олмайди.

Полимер қатламли идишлар: бундай идишлар юқори ҳароратда ўзидан заҳарли модда чикаради. Кулайлиги шундаки овқат пиширганда тагига олмайди. Бу идишдан фойдаланганда ёгоч чўмич ва ёгоч капгир ишлатиш керак, темир асбоблар идишни тирнаб сифатини бузади ва яроқлилик муддатини камайтиради.

Елим идишлар ҳам хавфли: Сув қадоқланадиган елим идишларда ҳам репродуктив тизимга озор етказувчи экстроген моддалар мавжуд экан. Шу боис, кейинги пайтда шифокорлар елим идишлардан имкон қадар камроқ фойдаланишни, айниқса, елим идишларга қадоқланган маъданли сувларни камроқ ичишни маслаҳат беришмоқда.

Акмал СОАТОВ тайёрлади.

Ownu-tofnhenz Kynaň Sýncuh

Ошхонада ёгоч дастали пичоклардан фойдаланинг. Улар кулай ва мустахкам бўлиб, узок муддат ишлатасиз. Шунингдек, пластмасса ва темир дастали пичоклар хам бор. Маълумки, пластмасса тез синиб колади. Темир эса огир бўлиб, ишлатганда нокулайлик тугдиради.

Одатда пичоқ тиғи зангламайдиган пўлатдан тайёрланади. Ўтмас пичоқ қўл кесар, деганидек, сифатсиз ашёдан тайёрланган пичоқларни сотиб олманг, улар тез ўтмаслашиб, кўп эътибор талаб этади. Дандон сопли пичоқлар махсус ясалади ва асосан совға учун сотиб олина-

ди. Яна қора керамикадан тайёрланган пичоқлар бўлиб, улар биз учун янгилик хисобланади. Бу хомашёдан тайёрланган пичоқлар хеч қачон ўтмаслашмайди ва ўз мустахкамлиги билан ажралиб туради.

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ:

КИШЛОКЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН НАМУНАВИЙ УЙ-ЖОЙ КУРИШ ДАСТУРИ HIRD 2013 - 02

Тендер эълон қилинган сана: 2013 йил 30 январь

Тендер таклифларни такдим этиш учун сўнгги сана: 2013 йил 22 февраль соат 12:00

- 1. Ўзбекистон Республикасига Қишлоқларни Комплекс Ривожлантириш учун Намунавий Уй-жой Қуриш Дастури (ҚКР) бўйича харажатларни молиялаштиришга Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) томонидан кредит тақдим этилган. Бу кредитнинг маълум кисмидан юкорида тилга олинган шартнома буйича туловларни қоплаш учун фойдаланилади. Шу сабабли, ушбу шартномалар юзасидан амалга ошириладиган харидларда ва уларнинг ижро этилишида Кредит ажратиш тўгрисидаги келишув ва Осиё Тараққиёт Банкининг Харидлар бўйича Кўрсатмалари қоидалари ва шартларига қатъий риоя қилиниши лозим. Танлов савдолари ОТБнинг малака шартларига мувофик келадиган мамлакатлар иштирокчилари учун очикдир.
- 2. Хуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчилари қуйидаги санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифлари киритишлари мумкин. Тендерда фақатгина тегишли тартибда давлат қонунчилигига кўра рўйхатга олинган Пудратчилар ва мазкур Тендер хужжатининг 3-қисмида кўрсатиб ўтилган бахолаш ва малака мезонларига жавоб берадиган хуқуқий лаёқатли тендер иштирокчилари қатнашишлари лозим. Тендер иштирокчилари тендерда қатнашиш юзасидан тўлақонли қарор қабул қилишлари учун тендер хужжатлари билан танишиб чикишлари тавсия этилади.
